

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси



Ёзги таътил бошланиши билан авваллари ҳам бўш турмаган видеосалонлар яна ҳам гавжумлашиб кетди. Болалар, ёшлар асосан шарқ якка курашлари ҳақидаги фильмларни мириқиб томоша қилишади. Бу қизиқиш Шарқ якка кураши усулларининг бугунги кунда мамлакатимизда ниҳоятда оммавийлашиб бораётгани сабабларидан биридир. Бу кураш усулларининг ўзига хослиги, яккама-якка беллашувнинг санъат даражасига кўтарилиши инсон камолотида ҳам маънавий, ҳам жисмоний муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда бу спорт турлари бўйича ташкил этилаётган кўплаб спорт клублари, тўғараклар ўз фаолиятларини ривожлантириб; у ерда шугулланаётган ўсмирлар

орасидан бўлажак якка кураш мохирлари етишиб чиқмоқда. Жиддий муваффақиятга эришаётганлар ҳам йўқ эмас. Таэквандо кураши бўйича мамлакатимиз терма жамоаси Осиенинг энг кучли командаларидан бири саналади. Чемпионликка даъвогарлар эса ана шу биз тилга олган тўғарак ва ўсмирлар клубидан

Ўзбекистонда спорт китоб палатаси

қатъийлик, чидам ва сабот талаб қилади. Шулар туфайли ёш спортчилар турли мусобақаларда қатнашиб, фахрли уринларни эгаллаб келишмоқда. Улар орасида бугун яшил, қизил, кўк ва қора белбоғ соҳиблари бор. Якка кураш усулларида бундай белбоғлар маълум босқични мукамал ўзлаштириб олганидан кейингина берилишини

уйдагилардан фақат танбех эшитар эдим. Охири шу мактабга келишни лозим топдим. Жуда хурсандман. Мен ўзим истаган ва жуда севган спорт тури билан шугулланапман.

— Спортнинг бу турлари кишининг жисмоний тараққий эттириш билан бирга, унда меҳр, одамлилик, ҳақиқатпарварликни тарбия қилади. Орамиздан буюк

таэквандочилар чиқиши шарт эмас. Аммо ўзини эр билган ҳар қандай йигит учун жуда катта маҳорат мактаби бу.

Биз ҳам 16 ёшли кўк белбоғ соҳиби Баҳтиёр Йўлдошевнинг фикрига тўла қўшилаемиз. Якка кураш турлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўраётган бу йигитларга омад тилаймиз.



## "ҚОРА БЕЛБОГ" СОҲИБИ БЎЛСАМ

Суратларда: 12-спорт мактаби ўқувчилари машғулот пайтида.

етишиб чиқишган. Тошкентдаги 12-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ҳам якка кураш усулларини ўргатиш ишлари жиддий йўлга қўйилган. Тажрибали тренер Шин Юрий Андреевич раҳбарлигида 8 ёшдан 22 ёшгача бўлган ёшлар таэквандонинг ҳамма билмас "сирларини" ўрганишмоқда. Машғулотлар болалардан алоҳида

ҳаммангиз яхши биласиз. Шунинг учун ҳам спорт мактаби тарбияланувчиларидан Ўткир Бойназаров, Коля Моюг, Нодир Рўзимев жигарранг белбоғи, Юрий Шин қизил; Баҳтиёр Йўлдошев кўк белбоғлари билан фахрланишади.

— Каратэ, таэквандо ҳақидаги фильмларни томоша қилиш жонитаним эди, — дейди Нодир Рўзимев. — Бу фильмларни томоша қилиб, бошқа ишлар қолиб кетганидан



Инсонларга зарари ҳам, фойдаси ҳам тегмайдиган кишидан фақирроқ одам йўқ, — дейилади Қобусда. Педагогика фанлари номзоди Зухра опа Валиева эса доимо изланишда. Нафақат ишда, кўча-кўйда ҳам иқтисодий ўзгаришларнинг туб моҳиятини ўрганишга интилади. Фарзандларимиз онгига элементар иқтисодий тушунчалардан то маълум иқтисодий мукамалликкача бўлган жараёни етказиб бериш зарурлигини таъкидлайди. Ўзбекистонимизни доим бошқа илгор давлатлар билан солиштиради. Қандай қилиб улар даражасига етишиш мумкинлиги ҳақида кўп ўйланади. Фалсафа, психология фанларига жуда қизиқади. Кўп йиллик қузатувлари, ўқиб-ўрганиши, интилишлари маҳсули сифатида "Мустақил Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг иқтисодий тарбияси системаси" мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаш арафасида.

## ҚИЗИҚАРЛИ ИҚТИСОД НИМА?

Ёҳуд

болалар иқтисодий тарбияси хусусида

Болаларнинг иқтисодий тарбияси ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида жуда кўпчиликни ўйлантираётган муҳим масаладир. Нафақат болалар, балки биз катталар ҳам иқтисод тарбиясига доир билимларга эга бўлсак, фойдадан холи бўлмайди. Шу мақсадларда Зухра опа Валиевага

ишлар ва режалар қандай? — каби бир қатор саволлар билан мурожаат қилдик: — Ёшлигимни жуда яхши хотирлайман. Оиламизнинг шундай қонуни бўларди: ҳар қандай вазиятда бўлса ҳам, иложи борича дастурхон атрофига ҳамма баробар ўтириши шарт эди. Кейин эса ҳар ким ўз юмушлари

билан банд бўларди. Ўйлашимча, бу ҳам тежамкорликнинг, иқтисоднинг бир кўриниши бўлса керак. Оилавий муҳит таъсирида, ҳалиҳануз вақтдан ҳам, маблагдан ҳам режали фойдаланишга интиламиз. Бу нарсаларни гапиришимдан мақсад, фарзандларимиз тарбиясида аҳамияти катта деб ўйлайман. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида.

Ўқишлар тугаб, болаларнинг ёзги таътили давом этапти. Бу демак бозорларда, турли дўкончаларда савдо-сотик билан машғул болалар сони янада ортади, дегани. Фарзандларимиз ёшлиқдан оқиб, пул топишга ўрганишга, уларда меҳнатга қўникма ҳосил қилинапти, булар яхши албатта. Лекин бу ҳолатга илмий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, бу вақтинчалик бир кўринишдир. Жамият янги тараққийт йўлига ўтгандан кейин болалар ҳатти-ҳаракати ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Эътибор берсангиз, ҳозир болалар фақат катталар буйруғини бажариш, қилинган даромаднинг маълум қисмини олганликлари учун хурсанд бўлиш билангина кифояланиб қолмоқдалар. Лекин, ана шу қўлларига теккан улушни қандай қилиб кўпайтириш, шахсий сармоёга эга бўлиш ҳақида бош ҳам қотиришмайди. Уларнинг мақсади — қандай йўл билан бўлса ҳам пул топиш. Бу аҳволда биз келажакда бошқарувчилик қобилиятига эга, тадбиркорларни эмас, "кўр-кўрона эргашувчиларни" тарбиялашимиз тайинку, яхир.

(Давоми 2-бетда).



Одамнинг ёши ўтавергач, болаликдаги бегубор хотиралар кўз ўнгиде жонланаверар экан. Айниқса, ўша пайтларни ёдга солувчи бирор буюмга беихтиёр кўзингиз тушиб қолса, аллапечук бўлиб кетасан, киши.

«От ўрнини, той босар»  
2-бет.

Туркиялик санъатшунос бир олим ҳайратини яшира олмай: «Мен кўп дунё музейларида, кўргазмаларида бўлганман. Лекин ёш болаларнинг бундай гўзал санъат асарларини ярата олишларига ишонгим келмайди», — деди.

«Бехзод руҳи кўлласин!»  
3-бет.

Ўйин ўйнаб, қўшиқ айтмаган бирор бола топиладими? Қалбингиз севинчдан тўлиб-тошиб, маҳаллани қувноқ овозларга тўлдириб қуйлаган «Оқ теракми, кўк терак» қўшигингиз ёдингиздами?

«Сержило туйгулар»  
4-бет.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кейинги пайтларда “бизнесмен, тадбиркор, ишбилармон” каби отамаларни қўллаш урф бўлиб бораётти. Ваҳоланки, бу сўзларнинг асл маъносини кўпчилигимиз англаб ҳам етмаймиз. Болаларга “ҳозирги пайтда ўқимаганларнинг иши “беш”. Жон койитиб ўқимай, бизнес қилсанг ютасан”, дея насиҳат берувчи катталар ҳам учрамоқда. Бунинг учун аввало

умумий босқич. “Қизиқарли иқтисод. Бу нима?”

2 — Босқич. Иқтисодий таълим-тарбияни шакллантириш. 5 — 8 синф. “Қизиқарли иқтисод. Бу қандай?”

3 — Босқич. Бошланғич иқтисодий тайёргарликка йўналтирувчи босқич. 9-синф.

“Қизиқарли иқтисод. Қасрда?”

4 — Босқич. Махсус иқтисодий тайёргарлик. Табақаланган синф. 10-11-синф.

“Қизиқарли иқтисод. Нима учун?”

банклар синфларида сабоқ олишяпти. Муҳими, иқтисод тарбияси ўғил болалар ва қизларга алоҳида ўқитиляпти. Шаҳримиздаги 2-Чархкомолон маҳалласида фақат қизлар учун “иқтисод сабоқлари” клуби очганмиз.

Фарзандларимиз бизнинг келажакимиз, эртанги кунимиз. Улардан умидимиз катта, деб кўп гапираемиз. “Нима эксанг, шуни ўрасан” деган нақл бежиз айтилмаганку ахир. Умид

Хунар — хунардан унар

# ОТ ЎРНИНИ ТОЙ БОСАВ

дарров қўлларига сув қўйиб юбор”, дердилар.

Обдаста, човғумни олиб, елкамга сочиқ ташлаб сув куйгани ошиқардим...

Ҳозирги пайтда нафақат фарзандларимиз, балки кўпгина катта ёшлилар ҳам авлодаждларимиз фойдаланиб келишган асбоб-анжомларнинг номларини билишмайди, обдаста нима, офтоба нима фарқлай олишмайди ҳам. Мисгарлик касби ҳақида гап кетганида, “улар кимлар, нима иш қилишади?” дея ажабланидиганлар ҳам топилади.

Лекин ёшларимиз орасида бундай анжомларни билибгина қолмай, уларни ясайдиган, қайта таъмирлайдиган, жило берадиганлари ҳам талайгина. Ислоҳ ака ҳам ана шундай ота-

Одамнинг ёши ўтавергач,

болаликдаги бегубор хотиралар кўз ўнгига қайта-қайта жонланаверар экан. Айниқса, ўша пайтларни ёдга солувчи бирор буюмга беихтиёр нигоҳингиз тушиб қолса, алланечук бўлиб кетасан, киши. Мен ҳам ҳар гал омборхонамизда ётган каттакон самоварни кўрганимда, бир муддат ўйланиб қоламан. Бегубор болагим, “катта бўлсам морожнийчи хола бўламан” дея орзу қилиб юрган онларим ёдимга тушиб, қалбим ҳаяжондан энтикади.

...Бувамнинг узум сўрилари билан қопланган каттагина ховлилари бўларди. Ҳовлининг энг салқин ерида супа бўлиб, ҳаминша кўрпачалар тўшалган, дастурхон ёзилган, патнисда эса турли нозу нематлар гўё меҳмон кутилаётгандек, муҳайё турар эди. Бу-вижоним ҳам доимо ўша супада ўтирар, лекин ҳеч вақт ёлғиз бўлмадилар. Дарвозамиз бекилмас, самоварнинг олови ўчмас, меҳмон эса аримасди. Ўтган ҳам, кетган ҳам бир пиёла чой ичмай кетмас эди. Хоҳ ёш келсин, хоҳ қари, эркак ё аёл, бувим дарҳол менга юзланиб: “она қизим,



боболаридан мерос касб бўлмиш мисгарлик касбини улуглаб келатганлардан. У киши жуда ёшлик чоғлариданоқ “катта бўлсанг ким бўласан?” деб сўраб қолишса, “мисгар” дея олмасдию “дадам бўламан”, дерди бийронгина. Чунки у дадаси Абдуқаҳор акага юмушларида қарашиб юрар, бирор анжом ясагудек бўлса, дам босиб турар эди. Кичик Исмоилни дадаси қақриб қолгудек бўлса, у ўзини худди катталардек тутишга тиришар, “эй, қўлингдан келмади, қўяқол” деб қолмасликлари учун ишга бутун вужуди билан киришарди. Дадасининг ҳар бир ҳаракатларини диққат билан кузатарди. Кўриб-кўриб, кўзи пишиб борганиданми, “От ўрнини той босар” деганларидек, Исмоил ака мисгарлик касбини эгаллади. Ёшликдаги “дадам бўламан” дея қилган оппоқ, бегубор орзулари ушалди. “Чорсу” бозори атрофидаги майдончада Исмоил аканинг дўкончаси биринчилардан бўлиб қад ростлади. Уз касбининг устаси бўлмиш Исмоил ака дўконининг олди доим одамлар билан гавжум. Кимдир самовар, чойнак, обдасталарини таъмирлатиш учун келса, яна кимдир қадимий мисдан турли асбоблар ясашни мақсадида устани йўқлайди. Шоғирдлари ака-ука Вакилов Дилшод ҳамда Дилмуродга ўз касбининг сир-синоатларини кўнг ва сабот билан ўргатиб бораётган Исмоил ака мисгарлик ҳақида фахр ва ифтихор билан гапиради, унинг

## ҚИЗИҚАРЛИ ИҚТИСОД НИМА?

Ёхўд болалар иқтисодий тарбияси хусусида



Бу дастур ўқувчиларга, асосан, қўйи синф ўқувчиларига қизиқарли ўйинлар асосида ўқитилади. Ўқувчиларнинг ўзлари бу ўйинларнинг бевосита иштирокчилари бўлишади. Ҳозирданоқ бу концепция асосида Тошкентдаги 90-мактабда, Паркет туманидаги 1-мактабда, Фаргона, Наманган, Андижон педагогика олийгоҳларига қарашли бўлган мактабларда факультатив машғулотлар ўтказиляпти.

Яқин кунларда “Ўзбекистон Республикаси мактабларида Иқтисодий таълим-тарбиянинг концепция, режа ва дастурлари” китоб холида нашр этилади.

Шу ўринда яна бир фикрни айтиб ўтмоқчиман. Иқтисодий тарбия ўғил болаларга алоҳида, қиз болаларга алоҳида ўқитилгани маъқул, деб ўйлайман. Ҳозирнинг ўзиданоқ бу соҳада амалга оширилаётган ишларимиз ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ёшлик олийгоҳида Швейцария билан ҳамкорликда бизнесменлар мактабини ташкил қилганмиз. Болалар менежерлар синфи, ёш тадбиркорлар синфи,

қилишдан аввал уларнинг таълим-тарбиясига, шунингдек, иқтисодий тарбиясига ҳам катта аҳамият беришимиз керак. Шундагина фарзандларимизни эртанги кунда дунёвий билимларни пухта эгаллаган, ҳақиқий бошқарувчилик қобилиятига эга бўлган шахсий мулк эгалари сифатида кўришимиз мумкин.

Феруза ЖАЛИЛОВА суҳбатлашди.

### МУҲАРРИРИЯТДАН:

Азиз ўқувчилар, сиз юқорида педагогика фанлари номзоди Зухра она Валиеванинг муқаддима ўрнидаги айрим фикрлари билан танишдингиз. Бу мулоқотни давом эттира бориб, ўғил болалар ҳамда қиз болалар иқтисодий тарбияси, шунингдек, чет эллардаги болалар тарбиясига оид суҳбатлар уюштириш ниятидамиз.

Шунингдек, сизлардан ҳам болалар иқтисодий тарбияси хусусидаги фикр ва мулоҳазаларингиз, ўйлантираётган муаммолар, қизиқтирган саволларингиз битилган мактубларингизни кутиб қоламиз.

катталарнинг ўзига иқтисоднинг туб маъносини тушунтириш лозим деб ўйлайман. Ваҳоланки, бир жойдан арзон нархда олиб келиб, бизнинг бозорларимизда икки-уч баробар қимматига сотишни бизнес деб бўладими, ахир? Бу олибсатарлик, чайқовчиликдан бошқа нарса эмас.

Ёдимда бор, Москвадаги бизнесменлар мактабида ўқиганимизда, бизга 13 ёшли америкалик қизалоқ дарс ўтган. Маълум бўлишича, унга 7 ёшли чоғида дадаси газли сув сотиладиган дўкончасини совға қилган экан. Қизалоқ дўкончада сув сотиш билангина кифояланиб қолмай, сувнинг рангини, сифатини яхшилаш борасида изланган, рекламага жуда катта аҳамият берган. Натижада орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай миллионларга, миллиардларга эга бўлган. Назаримда, бизнинг фарзандларимизга айни пайтда иқтисод ҳақида тасаввур, тажриба, кўникма етишмаяпти. Биз болаларимиз хатти-ҳаракатини тадбиркорликка йўналтиришимиз даркор. Эртанги кунда улар иқтисод нималигини тушунмай, фақат қандай қилиб бўлса ҳам пул топиш йўлига ўтиб олмасинлар. Акс ҳолда улардан келажакда ҳақиқий бошқарувчилар чиқмайди.

Иқтисоднинг ўзи нима? Иқтисод — бу хўжалиқни бошқариш демакдир. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида эса болаларимизга иқтисодий тарбия бериш давр талаби, ҳаётини зарурат бўлиб қолмоқда. Бу нарсага бир урф сифатида қарши керак эмас. Бунинг учун чуқур таҳлил қилинган илмий ишлар талаб қилинади. Шу мақсадларда олийгоҳимиз ўқитувчилари билан ҳамкорликда “Босқичли таълим” концепциясини ишлаб чиқдик. Бу концепция ўрта мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, босқичма-босқич ўқитилади.

1-Босқич “Бошланғич иқтисодий саводхонлик асослари” 1—4 синф.

Ўтган йилнинг мезон оғи эди. “Туркистон болалари” номли катта концертда ангреник бўлажак санъат юлдузи Фирдавс ҳам қатнашиб, ўзининг “Ўзбекистон — Ватаним маним”, “Она меҳрига зорман” каби кўшиқлари ила томошабиларнинг чексиз олқишига сазовор бўлганди.

## УМИДЛИ

Концерт ниҳоясида “Наргиз” фирмаси ҳамда “Болалар” программаси ходимлари томонидан Фирдавсга видеомангитфон, радиоприёмник ва бошқа бир қатор совғалар тақдим этилгани унинг тинимсиз изланишлари, матонат билан эришилган меҳнатларининг самараси эканлигига тўла ишонч ҳосил қилгандим... Яқинда муҳарририятимизга бир киши кириб келди. У ўзини Фирдавснинг отаси — Абдуқайом Нуриддинов дея таништирди... орадан сезиларли вақт ўтгач, биз куёқ суҳбатга киришдик.

— Фирдавс тугилганда (1979 йил 6 август) бошимиз осмонга етганди. Лекин яратганим уни ёруғ жаҳонни кўришдан бенасиб эртан экан — унинг кўзи тугма ожиз эди. Бироқ унда ноёб қобилият, ҳеч кимникига ўхшамаган истеъдод бор... Машойихлар айтмиш: “худо бир томондан берса, иккинчи томондан тияди” деганларида ҳақиқат етаркан-да!

Унинг ажойиб овози бор, ўзи шеър езиб, куй басталайди, кўшиқ қилиб айтади. У ҳақида бир неча бор ойнаи жаҳонда ҳам кўрсатувлар берилди. Биласизми, илгарини ў, чамаси 5-6 ёшларда Н. Ҳайдаров, Г. Бойтоев каби машҳур хонандалар кўшиқларини куйлаб юрарди, бу энди хиргойи бўлса керак-да. Энди ўзиники бўлмаса, бировникини айтмайди.

— Эшитишимга қараганда, ўглингизнинг чап оёғи бироз ўнгига нисбатан калта экан. — Ҳа, эшитганингиз тўғри. Бу воқеа 1990 йил 6 апрель кунини мактабдан ўртоқлари билан уйга қайтарида содир бўлган. Ўртоқлари ҳазиллашиб, уни чуқурга бошлаган (унинг кўзи ожиз!) ва у чуқурга йиқилиб, оёғини синдириб олади. Мана, сизга яна бир кўргулик...

Уни Тошкентга олиб бордик, лекин фойдаси бўлмади. Кунларнинг бирида бизга жарроҳ Б. М. Миразимов: “Ўглингизни ойнаи

### МЕҲР-МУРУВ В АТЛИ БЎЛАЙЛИК!

жаҳонда кўрдим. Кўп ачиндим. Менинг олдимга олиб келинган, даволайман дея хабар берибди. Олиб бордик. Аммо “чикими” кўп экан. Бунга бизнинг “чўнтак” тўғри келмаслигини айтдик. Мана, ҳозир уйда, ойдин умидлар билан тонг оттирмоқда. Сўнги чорамиз: уни хорижий давлатлардаги мутахассисларга кўрсатиш. Бунинг учун албатта катта миқдорда пул керак. Шу боисдан Фирдавс номига ҳисоб очганмиз...

Абдуқайом ака ички бир эзилиш билан жим қолди. Отанинг бу жимлигини тушуниш мумкин ва

## Қ А Л Б

отага кўшилиб бир зум Фирдавснинг келажак тўғрисида фикр юритайлик. Ва эзгулик сари бир қадам ташлаб, имконимиз борича яна бир хайрли ишга қўл урайлик. Қуйида Фирдавс номига очилган ҳисобни эълон қиламиз:

Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри.

Қурилиш саноат банки

Ҳисоб счёти 00711602

2-сонли филиал: ЛС3624

М. Ф. О. 172754342

кор. счёт 300166242

Нуриддинов Фирдавс Абдуқайомович.

Ишонамизки, бошқа меҳридарё инсонлар қатори мурувватли хайрия жамғармалари ҳам бўлгуси санъат юлдузи — Фирдавсга ўз ердан қўлларини чўздилар.

Шакар СУННАТОВ.



Нима бўладию ариқолик санъат асарлари коллекционер Ричард Кастродали ўз ватанида афғон расмони Раззоқ асарларининг бир ойлик савдо кўргазмасини ташкил этади. Лекин кўргазма икки кундаёқ тугайди. Негаки санъатсеварлар намойиш этилган барча асарларни "талаб кетадилар". Хайратини яшира олмаган Кастродали беихтиёр Раззоқдан "Сиз миниатюрининг Табриз, Хирот, Бухоро ёки Самарқанд мактабини битирган-мисиз?" деб сўрайди. Шунда рассом: "Йўқ, мен Тошкентдаги Беньков рассомлик билим



ишланган ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик, наққошлик, ганч-ўймакорлиги намуналарини намойиш этдик. Туркиялик санъатшунос бир олим хайратини яшира олмай: "Мен кўп дунё музейларида, кўргазмаларида бўлганман. Лекин ёш болаларнинг бундай гўзал санъат асарларини ярата олишларига ишонгим келмайди" деди. Кейин: "Балки бу санъат асарларини обрў учун сотиб олгандирсизлар?" — деб ҳазиллашди ҳам. Ўқувчиларимиз истеъдодига берилган бу юксак баҳодан биз фахрландик. Беньков би-


унда фарзандларимизни ўқитсак, ота-боболаримиздан мерос бўлган бу амалий санъат турини янада юксак санъат даражасига чиқарамиз. Ҳозир ҳамма гап маблағ таъминотида қолган. Ўйлаймизки, бу борада ҳам Маданият ишлари вазирлиги бизни қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, биз яқин орада ганч-ўймакорлиги, заргарлик мутахассисларини тайёрлаш ишини ҳам йўлга қўя олсак, яна бир хайрли ишни амалга оширган бўламиз. Тўғри, ҳозир кўпгина ҳунар-техника билим юртларида уста хунаромандлар, заргарлар, косиблар тайёрланади. Биз эса ҳақиқий заргар-



Билим юртимизнинг эски биносида эса "Устоз" номли ўқувчилар ишлаб чиқариш базасини ташкил этганмиз. Унда ўймакор, кулолчи, наққошларимиз турли амалий санъат намуналарини ясайдилар. Янги биномизда очган "Пари" номли салонимизда эса уларнинг савдо кўргазмаларини ташкил этамиз. Бундан ўқувчиларимиз ҳам моддий манфаатдор бўладилар.

Билим юртимизга мумкин қадар истеъдодли йигит-қизларни саралаб олиш тарафдоримиз. Шу мақсадда вилоятларда сиртқи халқ университетларини ташкил этиб, марказдан олисдаги қобилиятли



фарзандларимизни ўқитиш, саралаш ишларини йўлга қўймоқчимиз. Баъзилар сиртдан ўқиб, рассом бўлиш мумкин эмас, дейишлари мумкин.

Аммо улар ҳозирги вақтинчалик иқтисодий қийинчиликларимизни тушунишлари ҳам лозим. Ишонамизки, бу хайрли ишимизга вилоятлардаги рассомларимиз бош қўшадилар. Биз уларни зарур ўқув қуроллари, китоб ва қўлланмалар билан таъминлаб тураемиз.

Талабаларимизга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш иши ҳам доимий диққат марказимизда. Ўқув биномиз ёнидан 9 қаватли ётоқхона қуриш ишларини яқин орада бошлаймиз.

Олдимизда куз ойларида билим юртимизнинг 75 йиллик тўйини нишонлашдек қувончли ва яхши бир "ташвиш" турибди. Юқорида таъкидланган, қилиниши керак бўлган барча ишлар аҳил жамоамизнинг бу шодиёгани ёруғ юз билан кутиб олишларидан далолатдир.

**Суратларда: билим юрти директори Турсунали ака Қўзиев.**

**Кўргазмалар залида. Бу амалий санъат намуналарини ўқувчиларнинг ўзлари ясаган.**

Р. АЛЪБЕКОВ туширган суратлар.

# Беҳзод руҳи қўлласин!

юртида таҳсил олганман" дея унинг хайратини оширади.

Дарвоқе, бу билим юртидан Ч. Аҳмаров, Р. Чориев, Ф. Абдураҳмонов, Б. Жалолов, Ж. Умарбеков каби ўнлаб улкан ва иқтидорли ўзбек мўйқалам соҳиблари етишиб чиққанлар. Бугунги кунда ҳам унинг остонасидан бўлажак беҳзодлар, чингизлар, рўзию баҳодирлар кириб-чиқишмоқда. Бу ҳақда шу билим маскани директори Турсунали ака Қўзиев ҳикоя қилади:

— Агар бордию тарих гилдираги гир айланиб, Италиянинг Уйғониш даврида яшаб, ижод этган буюк рассом Леонардо да Винчи қаршимизга келса-да, ўзининг машҳур "Монна Лиза" асари ҳақида сўзлай кетса... Табиийки, биз бу асарни кўрганчалик таассурот олмас эдик. Чунки бебаҳо гўзаллик мужассам этилган тасвирий санъат асарини ҳатто Леонардонинг ўзи ҳам сўзларда ифода эта олмаган бўлур



эди. Демокчиманки, улкан рассом, ҳайкалтарош ёхуд уста наққошнинг тантилиги ва қудрати ҳам шунда. У бетакрор санъат асарини яратиб, кишига олам-олам эстетик завқ бағишлайди. Табиатнинг сержило ранглари ва шакллари ошно этади. Билим юртимизда ана шу гўзалликни, ширин машаққатларни юракдан ҳис қила билган ранг-тасвир ва амалий санъат шайдолари ўқишади.

Яқинда ўзимизнинг кўргазмалар залларида ўқувчиларимиз томонидан

лим юртининг шуҳрати



собик СССР таркибда эканлигимизда ҳам катта бўлган. Сабоқ бериш ва ўрганиш, маҳорат ва савия борасида ўқитувчи ва ўқувчиларимиз бошқа республикалардаги рассомлик билим юртлари орасида 3-4-ўринларда бўлган. Йиллар давомида ўзига хос, бой тажриба мактаби яратилган. Эндиги бизнинг вазифамиз шу олдинги мавке ва маҳоратни сақлаб қолган ҳолда, унга миллий санъатимиз руҳини, синоатини сингдириш, маданий, тасвирий меросимиз орқали миллий гуруримизни, зеҳнимизни оширишдир.

Бу борада билим юртимизда бир қатор амалий ишларни режалаштиряпмиз. Шулардан бири 60-йилларда бўлган, бироқ ҳозир унутилган бадий-гиламчилик бўлимини қайта очиш. Бунинг учун Ашхободдаги рассомчилик техникумидан шу бўлимга оид барча ўқув-методик қўлланмаларни келтирдик. Маълумки, чет эллардаги савдо кўргазмаларида Бухоро гиламлари алоҳида кўрсатилади. Афғон, Эрон гиламлари намойиш этила туриб, Бухоро гиламларидан нусха олинган, деб таъриф берилади. Агар биз ўзимизда шу бадий-гиламчилик бўлимини қайта очиб,


рассомни, ганч-ўймакорлик рассомини ўқитаемиз. Токи, Ватанимизда авлодаждодларимиз асос солган заргарлик, ганч-ўймакорлиги, гиламдўзлик каби халқ амалий



санъати турлари қайта юксак санъат даражасига кўтарилсин.

Олдимизда қўйган бу масъулиятли вазифани амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Авваламбор, биз фарзандларимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаб, улар шуурида ватан, ўзбекона ифтихор туйғуларини кучайтиришимиз лозим. Зеро, уларни Беҳзод руҳи қўллаиди.

Ўйлаймизки, ўқувчиларимизга ўз истеъдодларига бўлган ишончни кучайтирсак, уларга пухта таълим бериб, тўғри йўл-йўриқ кўрсата олсак, уларни рағбатлантирсак ишончимизни оқлашади. Шу мақсадда тез-тез йигит-қизларимизнинг шахсий кўргазмаларини ташкил этишни йўлга қўйганмиз. Айниқса, яқинда Туркияда ташкил этган кўргазмаларимиз уларни жуда қувонтирди. Яқин орада Швейцарияда ҳам кўргазмалар ўтказишни режалаштирганмиз.



Ўйин ўйнаб, қўшиқ айтмаган бирор бола топиладими? Қалбингиз севинчдан тўлиб-тошиб, маҳаллани қувноқ овозларга тўлдириб куйлаган "Оқ теракми, кўк терак" қўшигингиз ёдингиздами? Мана, кучоқларни тўлдириб баҳор ўтди, ёз келди. Сизлар таътилга чиқдингиз. Ёз сизлар учун ўйин ва қўшиқларга бой. Келинг, энг аввало қўшиқ деган тушунчани билиб олайлик. Бу сўз қачон пайдо бўлган?


Қўшиқ терминининг пайдо бўлганига жуда кўп асрлар бўлган. Жумладан, буюк бобокалонимиз Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғати-турк", Юсуф хос Хожибнинг "Қутадғу билиг" сингари нодир асарларида ҳам "қўшиқ" сўзи учрайди. "Девону луғати-турк" да қўшиқ термини қуйидаги тўртликда ифодаланган:

**Туркан қатун кўтинга,  
Тэгур мэндин қошиг  
Айғыл сизинг мабуғ-чы  
Отнур йангы табуғ (1,357)**

Маъноси: Малика шод Хотинга мандан мақтов, қасида (қўшиқ) еткур ва ходимингиз янги хизмат билан йўлланади деб айт. "Қўшиқ" атамасини Маҳмуд Қошғарий шеър, қасида, қўшиқ деб изоҳлаган. "Қутадғу билиг"даги "қўшиқ" атамаси вазифаси жиҳатидан "Девон"дагидан кенгроқ:

Бу туркча қўшўқлар тузаттим сенга,  
Оқырда унутма дуо қил манга.

Боболаримиз яратган улкан маънавий обидамиз "Ота Қурқут



китоби "да ҳам қўшиқ сўзи қўлланади: "Дирса хон ўғли Бугач хон ҳақида қўшиқ" сингари қўшиқ сўзи тилга олинган жумлалар асарда кўп учрайди. Ҳазрати Алишер Навоий ҳам қўшиқ устида айрим маълумотлар беради: Умуман, сўз қанчаки қадимий бўлса, қўшиқ ҳис қилиш ҳам шунчалик қадимийдир. Баъзан катталарнинг кўмагила мустақил ижод қилган қўшиқлар бугунда оз эмас. Ёз фаслида айтиладиган қўшиқлардан айримларини биргаликда эсга оламиз. Фусункор табиат болаларнинг шўх-шодон қий-чувлари билан янада гўзал бир манзарага айланиб, маҳалла кўчалари шўх болаларнинг қувноқ овозларига тўлган кезде куйланаётган мана бу қўшиқни ўқинг-а...

Ўйнаб-ўйнаб куйлаймиз,

**Куйлаб-куйлаб ўйнаймиз.  
Оқ теракми, кўк терак,  
Биздан сизга ким керак?  
— Зоҳид кўзичоқ керак.  
Ола-була капалак,  
Орқа сочим жамалак.  
Оқ теракми, кўк терак,  
Биздан сизга ким керак?  
— Хумор қизалоқ керак.**

Қаранг, қўшиқдаги ҳар бир сўз ўйиннинг турли ҳолати ва ҳаракатларига омухталаштириб гўё вазнга солингандай. Ҳатто қўшиқдаги қофия ва оҳангни, шунингдек, танлаган сўзларнинг нафис, ўйноқлиги жиҳатдан ўзига хос бадий ҳодиса даражасида дейишимиз мумкин. Яна қўшиқдаги топқирлик-чи? "Зоҳид



## СЕРЖИЛО ТУЙГУЛАР

кўзичоқ керак", "Ола-була капалак, Орқа сочим жамалак". Бу ажойиб менгашлар ўйинчилар ҳолатини ифодалайди. Сочга жамалак тақилганда "Ола-була" капалакни эслатиши табиий. Бу — мурғак қалб тебранишларининг оҳанглари, бутун авлод-аждоди шоиру бахши ўтган энг кичик авлоднинг шууридан тўкилган дурлар. Бугунги шоир, ёзувчига илк сабоқ берган ҳам ана шу болаликдаги қўшиқлар бўлса ажабмас. Қўшиқ-ўйин учун ҳар қандай шароитда ҳам имконият яратилади. Ёзнинг жазирасида тол дарахти соясида яна янги шеър яратилади:

**Хоннинг қизи подадан  
қолдинг уч-уч  
Атлас кўйлак олиб  
бераман.**

**Шойи кўйлак олиб бераман  
Хоннинг қизи уч-уч,  
Хоннинг қизи уч-уч.**

Хонқизи ҳа деганда, учиб кетавемаса қўшиқ бошқачароқ, яъни хавотир мазмунига кўчади:

**Хоннинг қизи  
Уйингга меҳмон келди,  
Болаиғ қудуққа тушди.  
Хоннинг қизи уч-уч,  
Хоннинг қизи уч-уч.**

Бу пайтда болалар ўзаро мусобақа қиладилар: ким биринчи бўлиб хон қизини учиради. Бундай шароитда қизалоқлар ҳам соя-салқин жойларда ўтиришиб тўптош ўйинини бошлаб юборадилар.

Бирн беш тўп,

**Икки беш тўп.  
Учи беш тўп-тўп  
Пучи беш тўп-тўп.  
Тошлар бешта,  
Тошлар иккита.  
Тошлар учта,  
Тошлар нучта (йўқ бўлди)**

Яна "гулдир-гуп", "бешиктербатар", "бедакам" ва қатор ялинмачоқ мазмунидаги қўшиқларни кўплаб келтириш мумкин. Юқорида биз намуна тарзида зикр қилган қўшиқлар асосан ўйин давомида куйланади. Бинобарин, ўйинларнинг аҳамияти ҳам беқиёс. Ўйинлар қўл, оёқ, мускул, пайларни мустаҳкам, баданни серҳаракат, кўзларни тиниқ, равшанлаштириб узоқни кўрадиган бўлишида, сезиш, ҳис этиш

**Мухаммад АҲМАД**



қарз, ҳам фарздир. Ажойиб инсонлар филология фанлари доктори, Охунжон Сафаров, Ғани Жаҳонгировлар бу борада кўп ишларни амалга оширдилар. Охунжон Сафаров 1984 йилда халқ болалар қўшиқларини тўплаб "Бойчечак" китобини нашр қилдирди.

Бундай хайрли ишга сизлар ҳам ҳисса қўшишингиз мумкин. Бунинг учун ўзингиз билган ва эшитган халқ қўшиқларини сеvimли "Тоғ юлдузи" номига йўлласангиз бас. Норин тумани, Шўра қишлоғида яшайдиган Акмал, Зоҳид, Хумор, Шерзод, Санам, Гулжаҳон, Сардор сингари жияларим бор. Қишлоғимизга борганимда улар менга ўзлари билган, тўқиган қўшиқларидан айтиб беришади. Мана улардан айримлари:

- Боғлам-боғлам,
- Жоним боғлам.
- Қўйлар қайда
- Олабоғда.
- Нима сйди?
- Жағ сйди.
- Жағи нима?
- Жағлангя.
- Диги нима?
- Дигландия.

Бойнинг қизи

Бойлансин — о.

Эрта туриб, кеч келди,

Саломини еб келди.

Азза-бизза,

Бир қошиқ жизза!



Дарсларини ҳадеганда тушунавмаган ўғлидан ранжиган дадаси:

— Уй вазифаларингни мен тайёрлаб бераман. Ўқитувчинг баҳони менга қўядиган бўлди-да! — деди ҳазиломуз.  
— Бўпти, — рози бўлди ўгли, — неча баҳо олсам ҳам сизга йиртиб бераман.

\*\*\*

— Ойи, конфет ейман, — дея хархаша қилди кичкина Элдоржон.

— Конфетни қайдан оламан, болам.

— Унда шоколад...

\*\*\*

— Гаффор, бодринг сўзининг немис тилидаги таржимасини айтиб бергин, — сўради ўқитувчи.

— Дер бодринг...



Азиз фарзандларимиз Сарварбек ва Санжарбек! Сизларни катта умидлар билан тарбия қиляпмиз. Келажакда ота-онангига, умуман барча кишиларга меҳрибон, одамохун инсон бўлиб катта бўлишингиз билан бирга ўқимишли, билимли, онгли болалар бўлиб вояга етишларингизни истар эдик. Сизларни таваллуд кунларингиз билан табриклар, соғлиқ-саломатлик, туганмас бахт-саодат, омадлар тилаймиз.  
**Онангиз ЗАЙНАБХОН, дадангиз ОБИДЖОН. Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, Механизаторлар посёлкаси, ХУЖАҚУЛОВлар оиласи.**

**Табриклаймиз!**

Маълумот учун телефон: 33-49-45

**Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.**

**Таҳрир ҳайъати:**  
Ф. ЖАЛИЛОВА, Т. КАРИМОВ, А. КЎЧИМОВ,  
М. ПИРМАТОВ /масъул котиб/,  
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,  
Д. ТУРАХМЕТОВА.

Тяжисе агувачи:

ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ

МАРКАЗИЙ ҚҰМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан  
«ЛЕНИН УЧҚУНИ» номи билан  
чқид бошлаган.

Газета ҳафтанинг сешанба кунини чиқарилади.

Бизнинг манзилгоҳ:  
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,  
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.  
Нашр кўрсаткичи: 64563  
Чоп этиш вақти — 18.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г-287. 56001 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6